

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Наманган ҲЭТК” АЖ

Бош директор

Ж.Халилов

2022 йил

Наманган вилоятида ташкил этилган кичик саноат зоналарини ташки электр таъминотига 1,5 метр таги қисми битумланган ва зазимлениyasi бор Опора СВ 105-3,5 махсулотларни ишлаб чиқарувчи ва Наманган вилоят худудлари буйлаб етказиб берувчи хизмат кўрсатувчи корхонани саралаш бўйича

## ТЕХНИК ТОПШИРИК

### 1. Умумий маълумотлар

1.1. Буюртмачи “Наманган ҲЭТК” АЖ  
Ташкилий-ҳуқуқий шакли Акциядорлик жамияти  
Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти,  
Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-уй  
Бош директор: Ж. Халилов

1.2. “Наманган ҲЭТК” АЖнинг тендер комиссияси томонидан ижрочи-тадбиркорлик субъекти аниқланади.

1.3. Танлов охириги қиймати – жами кўрсатилган хизмат учун 1 дона Опора СВ 105-3,5 махсулотини Наманган вилояти йуналиши бўйича ташиб бериш хизмати билан бирга қушимча қиймат солиғи билан 1 300 000 сумни ташкил этиб, танлов таклифида кўрсатилган нархлар максимал нархдан ошмаслиги керак. Жами 1000 дона Опора СВ 105-3,5 махсулотини етказиб бериш қиймати билан 1 300 000 000 сум қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.4. Буюртмачи томонидан талаб қилинадиган хизматлар тури техник топширик иловада келтирилган.

### 2. Танлов мақсади.

2.1. Наманган вилоятида ташкил этилган кичик саноат зоналарини ташки электр таъминотига 1,5 метр таги қисми битумланган ва зазимлениyasi бор Опора СВ 105-3,5 махсулотлар ишлаб чиқарувчи ва Наманган вилоят худудлари буйлаб етказиб берувчи хизмат кўрсатувчи корхонани саралаш бўйича

### **3. Танлов иштирокчилари.**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари ҳам иштирок этиши мумкин. 4.4.-бандда келтирилган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно.

### **4. Ижрочиға бўлган талаб.**

4.1. Ижрочи давлат рўйхатидан ўтган, мазкур хизматни кўрсатиш бўйича тегишли рухсатномага эга бўлиши, Балансида юк ташиш учун техникаси соз ҳолатда мавжуд бўлиши Наманган вилоятида жойлашган буюртмачининг тегишли объектларида ишлаши таъмин қилини лозим.

4.2. Ижрочи кўрсатиладиган хизматни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши лозим.

4.3. Иштирокчи танловда иштирок этиш учун, танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ қуйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиши лозим:

- Юк ташиш учун фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия нусхаси;
- Ташкилот устави (барча ўзгартириш ва қўшимчалар билан) нусхаси;
- Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

4.4. Қуйидаги тадбиркорлик субъектларига танловда иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган.

4.5. Иштирокчи қуйидаги ҳолларда танловдан четлаштирилади:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита буюртмачининг танловда иштирокчиларни танлашда масъул бўлган шахслар билан ноқонуний келишувлар орқали қарор натижасини ўз фойдасига ҳал қилиниши учун таъсир ўтказувчи ҳаракатларни амалга оширилганда;
- иштирокчининг қонунчиликка зид бўлган адолатсиз рақобат ёки афзалликларга эга бўлса.

### **5. Бошқа шартлар.**

5.1. Тўлов шартлари: Ижрочи томонидан кўрсатилган хизмат бўйича ҳар ойнинг 5 санасига қадар ўтган ой учун ҳисоб-варақ фактура тақдим этилиши лозим.

5.2. Буюртмачи томонидан тўловлар, ҳисоб-варақ фактура тақдим этилган санадан бошлаб 3 ой давомида амалга оширилади.

## Кўрсатилгани лозим бўлган хизмат

Хизмат тури	Хизмат сони
Наманган вилоятида ташкил этилган кичик саноат зоналарини ташки электр таъминотиغا 1,5 метр таги қисми битумланган ва зазимлениши бор Опора СВ 105-3,5 маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ва Наманган вилоят ҳудудлари бўйлаб етказиб берувчи хизмат кўрсатувчи корхонани саралаш бўйича	Буюртмачи талабига асосан